

Болаларга беринг дунёни!



2-3

Кун нафаси

■ Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг 111-сессияси бўлиб ўтди. Унда Сенат раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

■ Инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг ўринбосари Лазиз Қудратов Мисрнинг «Ogascom Construction» компанияси Саноат парклари ташкил этиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўлими раҳбари О.Бобарс бошчилигидаги делегация билан учрашди.

■ Корея Республикаси Бош прокурорининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бошчилигидаги делегация Кореяга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев ва Корея Республикаси Бош прокурори Ли Вон Сок учрашувида икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳофизат қилинди.

■ Тошкентга Халқаро нотариуслар иттифоқи (ХНИ)нинг янги сайланган президенти Лионель Галлиез жаноблари ҳамда Франция нотариуслари Олий кенгаши делегациясининг 5 кунлик ташрифи бошланди.

■ Италия Олий суди судьяси Марко Мария Альма ва мазкур мамлакат Судьялар мактаби ижроия кўмитасининг вице-президенти Марисария Морегги хоним Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон судьялар олий кенгашига борган меҳмонларни Кенгаш раиси Холмуҳаммад Эдгоров қабул қилди.

■ 2023 йил 13 июнь куни Зарафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикасидаги биринчи шомол турбинаси ўрнатилишини нишонлаш тадбири бўлиб ўтди.

■ 20 нафар ҳоким ёрдамчилари Хитой давлатига тажриба ўрганиш учун сафарга йўл олди. Улар 2 hafta давомида мутахассислардан «Хитой тажрибаси асосида камбағалликни қисқартириш» мавзусида таълим олишди.



Навоий вилояти

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар тарғиботида бағишланган ўқув-семинар ташкил қилинди.



Тадбирда ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич касба уюшма кўмиталари раислари, бўлим мутахассислари, ҳуқуқшунос ва ҳисобчилар қатнашиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини аниқлаш баён қилдилар.

Анжуманда янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган муҳим ўзгаришлар мамлакатимизнинг ҳар томон-

Хусусан, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Ижтимоий ҳимоя бўлими бошлиғи Шоҳиста Чориева янги таҳрирдаги Конституциянинг ҳар томонлама муқаммаллиги, меҳнат қонунчилигида ишчи-хизматчиларга берилган имтиёзлар, жамоа шартномаларида кафолатланган қулайликлар, меҳнат таътиллари, компенсация бериш ва меҳнатга ҳақ тўлаш борасида билдирган тушунтиришлар кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир асноси ўртага ташланган барча саволларга мутахассислар томонидан муфассал жавоб берилди.

Наргиза ЙЎЛДОШЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши раиси

Тарғибот

Фарғона вилояти

Ички туризм

БОШКЕНТ боғларига саёҳат

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан маҳаллардаги хотин-қизлар фаоллари ҳамда «Оқила аёллар» ҳаракати аъзоларидан 50 нафарнинг Тошкент шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Саёҳатчилар икки кун давомида пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойлар, хусусан, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси, «Magic City» кўнгли очар боғи, «Tashkent City» ҳамда «Янги Ўзбекистон» боғида бўлишди.

– Пойтахтнинг дилортар масканларини томоша қилиб, бир олам таассуротлар олдик, – дейди Арофат Мақсудова. – Ўзгаришларни кўриб, бунча гўзал бўлмасанг, Тошкентим, дея хайратларимизни яшира олмадик. Асосийси, саёҳатимиз ёдда қоларли бўлди.

Ғанишер ПАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бўлим мудири

Андижон вилояти



Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига!

ТАРБИЯЧИНИНГ ТАЪЛИМ БЕРИШГА ВАҚТИ БОРМИ?

Салкам ўттиз йил мактабгача таълим муассасасида ҳамшира бўлиб ишладим ва тарбиячиларнинг машаққатли меҳнатларининг жонли гувоҳига айландим. Шундан келиб чиққан ҳолда таклиф ва мулоҳазаларимни мутасаддилар эътиборига ҳавола этишни жоиз деб топдим.

Ҳозир боғчаларда ҳар бир гуруҳда 25 нафардан 30 нафаргача болажон бор. Уларга тарбиячи энга ёрдамида эртдан кечгача таълим-тарбия бериш билан банд бўлади. Тарбияланувчиларнинг 3 ёшдан 6 ёшгача экани ҳисобга олинса, уларга сира осон тутиб бўлмастлиги ўз-ўзидан аниқлашди. Чунки болаларни овқатлантириш, вақтида дам олдириш тарбиячи билан энга зиммасига юкланган. Энди шунча юмушлардан ортиб, таълим-тарбия беришни тасаввур қилаверинг.

Чет тилларига ўқитиш, мусиқа таълими машғулоти катта ва тайёрлов гуруҳларида 25 дақиқа ўтилади. Табиий, савол туғилади: 25 нафар тарбияланувчига 25 дақиқада нимани ўргатиш мумкин?

Тақлифим – тарбияланувчиларга сифатли таълим-тарбия бериш заруратидан келиб чиқиб, аввало, гуруҳларда болалар сонини камайтириш, бундай машғулотлар 10-15 нафарлик кичик гуруҳларга бўлиб ўтилиши керак.

Бундан ташқари, интернет сирғида 25 нафардан 30 нафаргача болажон бор. Уларга тарбиячи энга ёрдамида эртдан кечгача таълим-тарбия бериш билан банд бўлади. Тарбияланувчиларнинг 3 ёшдан 6 ёшгача экани ҳисобга олинса, уларга сира осон тутиб бўлмастлиги ўз-ўзидан аниқлашди. Чунки болаларни овқатлантириш, вақтида дам олдириш тарбиячи билан энга зиммасига юкланган. Энди шунча юмушлардан ортиб, таълим-тарбия беришни тасаввур қилаверинг.

Камига тарбиячи консепт, ҳамкорлик дафтери ва ишланма, дея юрийтиладиган маълумотларни тўлдиршига ҳам мажбур эканини айтмайсизми? Яна бир оғриқли муаммо: одатда турли маданий-маърифий тадбирларга боғча болаларини олиб чиқиш талаб этиляпти. Ҳатто «Меҳнат ярмаркаси»га тарбиячи кўл меҳнати маҳсулотларини олиб чиқиб ўтиради. Тугашидан бошланғич узокроқ вақтни оладиган бу каби тадбирларда болалар баъзида совуқда, баъзида иссиқда қолиб кетади. Бу эса кичик-китойларни толиқтиради.

Бу каби тадбирларга боғча тарбияланувчиларининг жалб қилиниши тўғримики?

Маъмураҳон ҲАЛИМОВА
Избоскан тумани

Болаларга



Навоий вилояти

Таътил завқли ўтмоқда

Бу йилги мавсумда Навоий вилоятида жами 14 минг 160 нафар болажонни дам олдириш режалаштирилган. Бунинг учун вилоят ва вилоятдан бошқа ҳудудларда жойлашган «Шабода», «Офтобжон», «Қизилтепа», «Табассум», «Ишонч», «Сармиш», «Сўғдиёна», «Зарафшон», «Болажон», «Паҳлавон» ва «Келажак» ёзги дам олиш оромгоҳларида йил бошидан буюн жиддий тайёргарлик кўрилди.

Мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш ҳақида гап кетар экан, Қизилтепа туманида жойлашган «Табассум» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида олиб борилган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Утган йиллар давомида мазкур оромгоҳ «Шодлик» номи билан фаолият юритиб келган ва туман халқ таълими бўлими тасарруфида бўлган. 2023 йилги мавсумга ҳозирлик жараёнида бу оромгоҳ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳузуридаги Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ихтиёрига ўтказилди.

Оромгоҳда қисқа муддатда жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Болажонларнинг мароқли дам олишига халал берадиган барча муаммолар бартараф этилди. Спорт майдончалари, сув ҳавзаси, турли тадбирларни ўтказиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун айвонлар қурилди. Қизиқарли баҳслар, турли бадий кечалар ўтказиладиган кенг ва очик жойлар қайтадан таъмирланди ҳамда замонавий жиҳозлар билан бойитилди.

Мавсум давомида 300 нафар бола дам олдириладиган мазкур оромгоҳ айни паллада бутунлай ўзгача кўриниш кашф этган. Ётоқхоналарга янги кўрпа-тўшаклар келтирилди. Ошхона жиҳозлари, мусиқа асбоблари, жисмоний тарбия ва спорт инвентарлари, овоз кучайтиргичлар янгисига алмаштирилди. Инглиз тили, информатика, расмчилик, рақс ва спорт тўғрисида қайтадан ташкил этилди. Оромгоҳга ўз ишини севадиган, болажонларга меҳр бера оладиган фидойи ўқитувчилар ҳамда мутахассислар ишга жалб қилинди.

Лўнда қилиб айтганда, Навоий вилоятида болажонларни дам олдириш мавсуми мазмунли ўтишига бу йил ҳам жиддий тайёргарлик кўрилди. Хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, тинчлик ва хотиржамликни сақлаш, сифатли овқатлантириш, болажонлар шурида ватанпарварлик ҳиссини ошириш учун алоҳида режалар ишлаб чиқилган ва бу борада тегишли мутахассислар дам олиш масканларига масъул этиб тайинланди.

Хуллас, ёз мавсуми навоийлик болажонлар учун сермазмун ўтишига шубҳа йўқ.

Нормурод МУСОМОВ «ISHONCH»



Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»

ЖОРИЙ ЙИЛГИ БОЛАЛАРНИ ДАМ ОЛДИРИШ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАВСУМИ 1 ИЮНДАН БОШЛАНДИ. РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 1062 ТА, ЖУМЛАДАН, 173 ТА СТАЦИОНАР ОРОМГОҲГА 34 423 НАФАР ҲАМДА 889 ТА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАСИГА 72 239 НАФАР, ЖАМИ 106 662 НАФАР ЎҒИЛ-ҚИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Андижон вилояти

Ҳар бир кун таассуротларга бой

«Бургут» болалар оромгоҳи Избоскан туманидаги Элотон ўрмон ҳўжалиги ҳудудига қарашли салкам 10 гектарлик хўшманзара гўшада жойлашган. Жазирама бу сўлим масканга ўз ҳўкмини ўтказолмайди. Биринчи навбатда дам олаётган 130 нафар болажоннинг ҳар бир кўни ёрқин таассуротларга бой бўляпти. «Соғ танда – соғлом ақл», «Дўстлик ҳазиллари», «Пиёда, умринг бўлсин зиёда», «Китобхонлар кўни», Эртақлар кўни» каби бир-бирдан қизиқарли тадбирлар болажонларга ўзгача завқ улашяпти..

Робототехника, ҳамширалик, инглиз тили, рақс, футбол, сузиш, волейбол, стол тенниси, шашка каби тўғарақларга фидойи мураббийлар жалб қилинган. Мазнавият ва маърифат хонасига замонавий компьютерлар ҳамда бадий адабиётлар қўйилган.

Кундузги дам олиш соатларидан аввал сув ҳавзасида чўмилиш имконияти бор. Бу вақтда тўғарақ раҳбари, мураббий Камолхон Турғунов болаларни сузиш сирларидан бохабар қилади. Рақс тўғарағида Маҳфузахон Қодирова санъатга ошуфта кизларни миллий рақсларнинг жозибадор дунёсига олиб киради. Стадионда эса мураббий Дониёрбек Қанонов етакчилигида 10 та гуруҳда 70 нафар болажон футбол машғулотларида қатнашади. Барча тадбирларни мароқли ўтказиш учун туман маданият уйи санъаткорлари ҳамда баркамол болалар мактаби мураббийлари ҳам эртаю кеч ўқувчилар билан машғул бўлишмоқда.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

«САФЕДИ»да мазмунли суҳбатлар

Қайноқ ёзнинг тафти ҳам, гашти ҳам бошқача кечяпти. Айниқса, Самарқанд туманидаги «Сафеди» оромгоҳида мавсумга алоҳида ҳозирлик кўрилди. Мавсум мобайнида минг нафарга яқин кичкинтойларни дам олдиришга мўлжалланган масканда ҳозир 331 нафар болажон ҳордиқ чиқармоқда.



Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

– Департамент тасарруфига олинган барча оромгоҳлар тўлиқ қайта жиҳозланди. Барчасини спорт инвентарлари, компьютер жамланмалари, зарур техник жиҳозлар билан таъминладик, – дейди Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Феруза Қиличева. – Бу йилги мавсумнинг масъулияти ҳам, мазмуни ҳам бошқача бўлмоқда. Болажонларимиз буни «Сафеди» оромгоҳи мисолида ҳам ҳис қилишяпти.

«Сафеди»да бўлган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов мавжуд шарт-шароит, овқатлар сифати, кичкинтойларнинг билим ва маҳоратини ошириш учун яратилган шароит, ёш дастурчи, инглиз тили тўғарақлари фаолияти билан яқиндан танишишди. Шу кўни спортнинг футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол турлари бўйича оромгоҳ биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ёшлар ўзларининг чапдастликларини намоиш этиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишди. Ғолиблар касаба уюшмалари томонидан тақдирланди.

– Болаларнинг давраси барибир бошқача, – дейди дам олиш маскани раҳбари Нигора Жабборова. – Касаба уюшма фаоллари мулоқоти ва далдаси болаларга куч бағишлади. Ёшларимиз эсда қоладиган ана шундай учрашувларга ҳар доим интиқ.

«Сафеди»да ана шундай қайноқ учрашув, дилтортар мулоқотлар кўп бўляпти.

Жиззах вилояти



Уйга ўзгариб қайтаётган ўғил-қизлар

Ёз бошланиши билан «Зомин» оромгоҳида ҳаёт қайнабди. Чор атрофи тоғу қирларга ёндош оромгоҳни беғубор болаларнинг шодон қийқириқлари тутди.

Ушбу оромгоҳ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфида. Мана, уч йилдирки, мазкур оромгоҳда болажонлар билан бирга. Ҳар йили ёзги таътилга пухта ҳозирлик кўрамыз. Бу йил оромгоҳи-

мизда 6 мавсумда 1500 нафар болажонни соғломлаштириш кўзда тутилган. Биринчи мавсум ҳам якунланди. 266 нафар ўғил-қиз бу ерда мароқли ва мазмунли дам олди.

Болбек Ёқубжонов исми 9 ёшли боланинг оромгоҳга би-

ринчи марта келиши экан. Унинг қувончини, ҳайратларини кўрган киши бола бўлгиси келади. «Бу ер зўр экан, энди ҳар йили келсам, майлими?..» дейди у шодланиб.

Бизнинг асосий мақсадимиз болаларни соғломлаштириш билан бирга, уларга соғлом турмуш тарзи қоидаларини ўргатишдир. Баъзи оилаларда болалар тартибсиз ҳаётга ўрганган. Ўйку, соғлом овқатланиш, жисмоний фаолликка эътибор кам бўлган. Китоб ўқиш ўрнига кўпроқ телефон билан банд бўлганлар ҳам бор. Оромгоҳда ана шулар ҳисобга олинган ҳолда иш юритилади. Аниқроғи, биринчи мавсумда дам олган болажонларнинг барчаси энди вақтли туришга, ўз ўрнини ўзи тартибга келтиришга, жисмоний машқлар қилишга, вақтларини самарали ўтказишга одатланган ҳолда уйларига қайтишмоқда. Биз, яъни оромгоҳда хизмат қилаётган 50 нафар педагогик ва техник ходим навбатдаги мавсумнинг жажжи меҳмонларини кутиб оламыз.

Абдулазиз ШАВКАТОВ, «Зомин» болалар оромгоҳи раҳбари

БЕРИНГ ДУНЁНИ!



Тошкент вилояти

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иш берувчилар конфедерацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Тошкент вилоятидаги «Угом» болалар соғломлаштириш оромгоҳида тадбир ташкил этди.



Беғубор фасл таровати

Тадбир асноси таъкидланганидек, мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича олиб борилган амалий ишлар натижасида болалар меҳнатидан фойдаланишга бутунлай барҳам берилди. «Барча учун ижтимоий адолат», «Болалар меҳнатига чек

қўйилик» шiori остида ташкил этилган мазкур тадбир турли тақдиротлар, мусобақалар, билимлар беллашуви, танниқли инсонлар билан учрашувлар ва куй-қўшиқлар билан ўтди.

Дам олувчи болалар ўз қизиқишларига кўра, расм чизиш,

шахмат-шашка, стол тенниси, хунармандчилик бўйича танловларда қатнашдилар.

Яқунда ҳар бир йўналиш бўйича танлов ғолиблари аниқланиб, улар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз

Суратларда бахтли болалик акси

– Мен оромгоҳда биринчи марта дам оляпман, Чиноз туманидан келганман, – дейди 11 ёшли Мафтуна Ёдгоралиева. – Гўзал табиат, меҳрибон тарбиячилар ва турли хил тўғараклар менга жуда ёқди. Мусобақа шартига кўра, ҳозир «Бахтли болалик» мавзусида расм чизяпман...

Бўстонлик туманидаги «Ниҳол» оромгоҳида Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кўни муносабати билан ташкил этилган тадбирда 150 нафар дам олувчи болалар ўртасида турли мусобақалар ўтказилди. Айниқса, «Бахтли болалик» мавзусидаги қоғозга, асфальт-

га расм чизиш орқали намоён этилган тасаввурлар қузатувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

– Болалар билан ишлаш бошқача, – дейди оромгоҳ раҳбари Иброҳим Нурметов. – Уларнинг ҳар бири ўзига хос, ўта беғубор. Биринчи келган кўни муҳитга сал киришолмай турган болалар ҳеч қанча ўтмай бир-бири билан дўстлашиб кетишади. Эътиборлиси, дам олиш муддати тугагач, кетишни истамаган, ҳатто кўз ёши қиладиган болаларни кўп кузатаман. Бу энг катта ютуғимиз, десак, асло муболага бўлмайди. Демак, болаларнинг кўнглини олишни уддалабмиз, бундан бизнинг ҳам кўнглимиз тоғдек кўтарилади.



Тадбирда шахмат-шашка, стол тенниси, «Моҳир қўллар» каби тўғаракларнинг фаол иштирокчилари ўртасида уюштирилган мусобақаларда болаларнинг истеъдоди, интеллектуал салоҳияти яна бир бор синовдан ўтказилди.

Яқунда ғолибларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Фарғона вилояти

«Қувончимнинг чеки йўқ»

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши «Қўқон» болалар оромгоҳида «Болаларни болалар меҳнатидан, ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳимоя қилинг!» шiori остида тадбир уюштирди.

Тадбир доирасида оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган ўғил-қизлар ўртасида расм чизиш, стол тенниси, шашка бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ҳозир оромгоҳда 300 нафар ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқармоқда. Мазмунли дам олиш учун оромгоҳда барча шароитлар яратилган. Бу ерда болажонлар учун футбол, сузиш, шахма-шашка, стол тенниси, моҳир қўллар, рус ва инглиз тили тўғараклари ташкил этилган.

– Спорт жону дилим. Айниқса, сузиш ва стол тенниси билан мунтазам шуғулланиб келаман. Бугун оромгоҳда ўтказилган стол тенниси мусобақасида 1-ўринни эгалладим, шу боис қувончимнинг чеки йўқ, – дейди Салоҳиддин Абдумуталов.

Мусобақада иштирок этиб, 1-, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган ғолибларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан китоблар тўплами ва эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Гулсал учун ёзги таътил мароқли бошланди. Отаси унга оромгоҳга йўлланма совға қилди. Қисқа фурсатда ўнлаб янги дугоналар орттирган қизалоқ турли машғулотларда бажонидил қатнашмоқда.



Кўнгилда янги мақсадлар куртаги

– Кеча «Заковат» ўйинлари ўтказилди, гуруҳимиз билан фаол иштирок этдик. Бир-биридан қизиқарли саволларга жавоб топдик, – дейди у. – Бугун эса кутубхонадаман. Ғафур Ғулومнинг «Шум бола» асарини ўқияпман.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясига қарашли «Хива гулшани» оромгоҳи биринчи навбатда Гулсал каби 125 нафар интилувчан, қалби орзуларга лиммо-лим болажонларни ўз бағрига олган. Уларнинг ҳар бири кўни мароқли ўтиши учун барча шароитлар яратилган. Оромгоҳда «Ёш китобхонлар», «Ёш рассомлар», «Моҳир қўллар», «Компьютер саводхонлиги», хорижий тиллар, рақс, мусиқа ва спорт тўғараклари ташкил қилинган. Машғулотлар креатив усулда бир-биридан қизиқарли тарзда олиб борилади.

Айсенем Темурханова эса Қўнғиротнинг Аксаулак худудидан. Қўшни вилоятга Қорақалпоғистондан дам олиш учун келган 74 нафар болажоннинг бири.

– Хоразмлик болалар билан тезда дўстлашиб кетдик. Бирга волейбол, баскетбол ўйнаймиз, – дейди у.

Оромгоҳда ҳар кўни турли танловлар, мусобақалар ташкил қилинаётгани дам олувчилар учун айна мударра бўлмоқда. Айниқса, Наврўзбек Юсупов, Мирзобек Қуръзов бошчилигида ташкил этилаётган спорт мусобақаларида улар ўзларининг яширин қирраларини кашф қилишга эришмоқдалар.

– Оромгоҳга келиб бадантарбия билан шуғулланишни одат қилдик, – дейди Асқар Ўтемуратов. – Ҳар кўни эрталаб бир пайтада уйғонамиз. Биргаликда машқлар бажарамиз. Кўн бўйи тетик юрамыз. Бундан кейин жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланаман дея аҳд қилдим.

– Болалар дунёқарашини шакллантиришда оромгоҳларнинг ҳиссаси катта, – дейди катта тарбиячи Наргиза Матчанова. – Бу ерда улар мустақил фикрлашни, ғалаба сари интилишни ўрганадилар. Буни оромгоҳимизга келган болалар қалбларида янги орзу-мақсадлар куртак отаётганида, улар янги дўстлар орттириб, янгидан-янги одаларни ўзлаштираётганида кўриб турибмиз.

Мухаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



Наманган вилояти

Номига муносиб «Меҳржон»

Чўст туманининг сўлим Ғова-сой қишлоғидаги «Меҳржон» болалар оромгоҳи янги мавсумдан ўз фаолиятини бошлади.

Оромгоҳ табиати, тозалиги ва соясалқинлиги билан кишини ўзига жалб қилади. Илгариги Меҳрибонлик уйи ўрнида қад ростлаган бу оромгоҳ кўркам ва замонавийлиги, барча шароитларга эгалиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Болаларга мўлжалланган ётоқхона, шинам ошхона, компьютер хонаси, икки мингдан зиёд китоблар билан жиҳозланган кутубхона, сув ҳавзаси, кичик футбол майдони, ўйингоҳлар дам олувчиларга беминнат хизмат қилмоқда.

Оромгоҳ 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, тўрт мавсумда жами 480 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Денгиз сатҳидан 1,5 минг метр баландликда жойлашгани ва баҳаво гўшалардан бири бўлгани учун оромгоҳга ташриф буюрувчилар сони ортиб бормоқда.

Бу масканнинг бошқа оромгоҳлардан фарқи шундаки, бу ердаги дарахтларнинг ёши асрларга бориб тақалади. Тақдирнинг кароматини қарангки, бу оромгоҳ худудидаги дарахтларни экишда бир вақтлар она томондан бобом жонбозлик кўрсатган экан.

Энди фалакнинг гардиши билан ушбу оромгоҳга раҳбар бўлиб тайинланди. Бир сўз билан айтсам, бу оромгоҳ уйимдек бўлиб қолган. Бу ерда келган болаларга барчамиз ўз боламиздек меҳр билан қараймиз, уларга зарур шарт-шароитларни яратиш учун бор имкониятларни ишга соламыз. «Меҳржон» оромгоҳи ўз номига муносиб бўлиши учун кўлимиздан келганича ҳаракат қиламыз.

Жамшид ИБРОҲИМОВ,
Чўст туманидаги «Меҳржон» болалар оромгоҳи директори



БОЛАЛАРНИНГ ДАМ ОЛИШНИ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚОШИДА МАВСУМ ДАВОМИДА ИШЛАЙДИГАН РЕСПУБЛИКА ВА ҲУДУДИЙ ШТАБЛАР ТУЗИЛИБ, БОЛАЛАРНИНГ ОРОМГОҲЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ, МАВСУМНИНГ БОРИШИ Тўғрисида Кўнлик ОПЕРАТИВ МАЪЛУМОТЛАР ЮРИТИЛЯПТИ.

ЖОРИЙ МАВСУМДА 1 154 ТА ОРОМГОҲ (200 ТА СТАЦИОНАР ВА 954 ТА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАЛАРИ) ФАОЛИЯТ КўРСАТИБ, УЛАРДА 310 575 НАФАРДАН ЗИЁД БОЛА ДАМ ОЛДИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. УЛАРДАН 157 775 НАФАРИ СТАЦИОНАР ОРОМГОҲЛАРДА, 152 800 НАФАРИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН.



Санобар ШАМСИЕВА, фахрий ўқитувчи:

Улуғ мақомга доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ

Инсонни ўз умрининг меъмори, дейишади. Шу маънода бизга тўхта этилган ҳар лаҳзани қадрлаб, эзгулик сари интилсак, умримиз беҳуда ўтмайди.

Қаҳрамонимиз Санобар Шамсиева ҳам мазмунли умр кечираётган инсонлардан бири. Устоз онахон яқинда 90 ёшини қаршилади. Аммо ҳақон фикрлари теран, ҳаётга, янгиликка чанқоқ. Ҳатто шу ёшда ҳам китобни кўзойнақсиз бемалол ўқишига кишининг ҳаваси келади.

Умрини таълимга бағишлаган бу зиёли аёлнинг илм, тарбия ва ҳаёт ҳақидаги фикрларида бугунги авлод учун ҳам катта сабоқ бор. Шу боис табаррук онахон билан суҳбатлашдик. Дастлаб ундан меҳнат фаолияти ҳақида сўрадик.

— 1948-1952 йилларда хотин-қизлар техникумида ўқидим. Уни имтиёзли тугатган, педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилдим.

Турмушга чиқшим қизиқ бўлган. Иқтисодиёт назарияси фанидан дарс берадиган ўқитув-

чимизнинг олдида келсак, икки нафар аспирантдан имтиҳон олаётган экан. Уша куни улардан бири мени кўз остига олибди. Кейин манзилимни топиб, совчи жўнатибди. Тақдиримиз кўшилган экан, тез орада тўйимиз бўлди. Бир йилдан кейин Фотима-Зухра тугилди.

1957 йили бир ёшли қизларимни қайнонамга топшириб, Тошкент шаҳридаги 40-мактабга ишга чиқдим. Меҳнат фаолиятим давомида ўз вазифамга ҳамиша сидқидилдан ёндашдим, болаларни севдим. Йиллар оша ўз устимда тинимсиз ишладим. Фурсати келиб, 186 мактабга раҳбар этиб тайинландим.

— **Ўзингиз раҳбарлик қилган ўша мактаб қурилишида иштирок этган экансиз...**

— 1980 йили мактабимиз янгидан қурила бошланди. Усталар билан тенгма-тенг ишлаб, гишт терардим. Уйга қайтаётганимда бекатда турсам, ҳамма менинг чанг босган уст-бошимга қарарди. Болалар қайтадан қад ростлаган бинода ўқий бошлашганида қанчалар қувонганимни тасвирлаб бера олмайман. Энг муҳими, мен касбимни жуда-жуда севардим. Мактабимиздаги педагогларнинг барчаси ўз ишининг устаси эди. Ҳеч ким номигагина дарс ўтмасди.

— **Моҳир педагог қандай бўлиши керак?**

— Аввало, меҳрли бўлиши лозим. Болаларга меҳр кўйган одамгина улар билан тиллаша олади. Болани севмай туриб, уни тушуниб бўлмайди. Ўқувчиларнинг шароити, муҳити ҳар хил бўлади. Масалан, педагог синчов бўлса, нотинч оилада ўсаётган болани нигоҳидан ажратиб олади. Бугун ўқитувчилар ўқувчи танилайди, деган гапларни эшитиб қоламан. Бу ниҳоятда нотўғри. Устоз олдида барча ўқувчи баробар бўлиши лозим. Шундагина улар қалбида илмга рағбат уйғота олади.

— **Бугунги таълим ҳақида фикрингиз?**

— Ҳозир илм олиш учун кенг имкониятлар яратилган. Аммо ўқувчиларнинг билимга қизиқиши камдек, чамамда. Ҳозир ёшлар қайсидир тилини ўрганиб олса, ўшани ютук деб билади. Бизнинг давримизда барча фанлар мукамал ўргатиларди. Болаларда репети-торга бориш деган тушунча бўлмасди, 30 нафар ўқувчидан 20 нафари мактабда олган билими билан олий ўқув юрти талабаси бўларди. Бу таълим ҳақидаги фикрларим. Тарбия бора-сида эса анчагина аччиқ гапларим бор. Чунки таълимни тарбиядан ажратиб бўлмайди.

— **Таълимда талабчанлик муҳимми ёки эркинлик?**

— Мен талабчанлик тарафдориман. Интизом биринчи ўринда бўлиши шарт. Назаримда, бугунги ёшларга кўп эркинлик берилиб, талабчанлик бироз етишмаяпти. Мен раҳбар бўлган мактабда 2 минг нафардан зиёд ўқувчи, 200 нафарга яқин педагог ишларди. Ўқув даргоҳи-мизда интизомга жиддий эътибор қаратардик. Шўқрики, натижаси уялтирмади.

— **Илгари ўқитувчиларнинг обрўси бугунгидан баян бўлган, дейишади...**

— Тўғри! Ўқувчи ўқитувчига тик боқиб, гап қайтармаган. Ҳозир ўқитувчига қўл кўтарганлар ҳақида эшитсам, дилим оғрийди. Мен ўқувчини урган ўқитувчини ҳам, ўқитувчини урган ўқувчини ҳам оқламайман. Устозлик — улуғ мақом. Унга доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

— **Сизнингча, ўқитувчилик маънавияти ёки шарафи?**

Шараф. Мактаб эса, муқаддас даргоҳ. Ота-оналар фарзандининг жажжи қўлидан туриб, мактаб аталмиш таълим муассасасига олиб келади. Бамисоли ниҳолдек ўқувчиларни тўғри парвариш қилиб, илм сари оқилона йўналтириб, оқ-қорани танитиш ўқитувчига шараф бағишлайди. Таълим ва тарбия соҳасига қирадиган ҳар бир шахс ўз соҳасидан фахрланади. Бугун шоғирларимнинг ютуқларидан қувонаман. Шоғирларим тасодифан кўриб қолишганида, «Ассалому алайкум, устоз!» деб ҳол-аҳолимни сўраша, бошим кўкка етади. Ёшларга таълим беришга бағишланган умрим беҳуда ўтмаганидан қувонаман.

Шоғирд устоз ҳақида

САБОҚЛАРИ ҲАЁТ ЙЎЛЛИМИЗНИ ЁРИТИБ КЕЛЯПТИ

Санобар Шамсиеванинг кўп-лаб шоғирлари жамиятимизнинг илғор кишилари, турли соҳаларнинг етакчи кадрлари саналади. Улардан бири Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, сиёсий фанлар номзоди, профессор Шерзодхон Қудратхўжа устози ҳақида шундай дейди:



— 1981-1991 йилларда пойтахтимиздаги 186-мактабда таҳсил олганман. Биз янги қурилган мактабда ўқишга келганимиз. Мактабимиз раҳбари Санобар Исахонова ташкилотчи, жонкуяр ўқитувчи, талабчан инсон эди. У кишининг ташаббуси билан мактабимиз кутубхонаси ва моддий-техник таъминоти аъло даражада эди. Ўрнатилган тартиб-интизомга барчанинг ҳаваси келарди.

Эсимда, мактабда қандай тадбир ёки байрам бўлса, барчамиз бир оила бўлиб бирлашардик. Бугун ҳам қадрдон мактабимизга синфдошлар билан тез-тез бориб тураемиз. Аҳиллигимиз сабабини ҳам устоз беран сабоқлар самараси деб биламан.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушиди. Адашмасам, 6- ёки 7-синфда ўқирдик. Бир дарсада адолатсизлик бўлди. Ўқитувчи мени урди. Бунга асос йўқ эди. Ўқитувчи ҳам ўз фанидан дарсга қирмаганиди. Кимнингдир ўрнига машғулот ўтиб турганиди. Нима бўлди-ю, бир-икки тарсаки туширдим. Чидолмадим. Урганга эмас, адолатсизликка. Мактабдаги воқеани ёзиб, почта орқали «Правда Востока» газетасига жўнатдим.

Бунга қарангки, вазиятни ўрганиш учун мактабимизга муҳбир келган. Уша куни мен мактабга бормаганим сабабли Санобар опа билан суҳбатлашган. Бунга эшитганча, бироз хавотирда юрдим. Мени кўрса, уришади, деб ўйлардим. Аммо устоз менга ҳеч нарса демади, аввалгидек меҳрибон ниҳол билан қараб ўтаверди. Кейин эшитсам, устоз муҳбирга «Шерзодхон боланинг зами тўғри, сўз эркинлиги ҳам бўлиши керак», деб муҳбирни мактабдаги шароит ва муҳит билан таништирган экан.

Бугун ўзим ҳам педагог, ҳам илм маскани раҳбари сифатида англаб етаялманки, мен қаттиққўл, талабчан деб билан устозимиз ўз ўрнида меҳрибон ва кечиримли бўлган, шу билан бирга, ўқувчилар қалбини чуқур тушунган экан.

Мен шундай илми устознинг ўқувчиси бўлганимдан, талабчан ва айна пайтда меҳрибон инсон раҳбарлигидаги даргоҳда таълим олганимдан фахрланаман. Зеро, у кишининг сабоқлари ҳамон ҳаёт йўли-мизни ёритиб келяпти.

ҚАҲРАМОНИМИЗ ҲАҚИДА:

САНОБАР ШАМСИЕВА 1933 йил 14 июнда тошкент вилоятининг бўстонлик туманида таваллуд топган. Кўп йиллар давомида пойтахтимиздаги 186-умумий ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси ҳамда ўқув маскани раҳбари сифатида фаолият юритган. Шу даврда минглаб шоғирларга таълим-тарбия берган. Турмуш ўртоғи (раҳматли) — ИҚТИСОДИЁТ ФАНАЛРИ НОМЗОДИ, ПРОФЕССОР ФАРИД-БЕК БЕКЎЛБЕКОВ билан фарзандлари ФОТИМА, ЗУХРА, АЛИШЕР, ДИЛОРОМ, НОДИРА, НИГОРА ВА ШАВКАТЖОНЛАРНИ ОДОБ-АХЛОҚЛИ ВА БИЛИМЛИ ИНСОНЛАР ҚИЛИБ ВОЯГА ЕТКАЗган. Улар бугунги кунда жамият равнақи, мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилишмоқда.

«ISHONCH» муҳбири Феруза РАҲИМОВА суҳбатлашди

Ҳаётини воқеалар

Табодсиз қолман савол

Билмадим, яхшими-ёмонми, менинг ғалати бир одатим бор: яқин кишиларимдан бирортаси вафот этса, жаноза-маъракаларида қатнашаман, ич-ичимдан ачиниб-ўқсинаман, лекин овоз чиқариб йиғлай олмайман. Боз устига, кўзимдан ҳадейишда ёш чиқавермайди.

Уша оқшом онам иккимиз телевизор орқали берилётган ўзбекча кинони кўраётгандик. Унда дафн маросимига оид саҳна ҳам бўлиб, марҳумнинг фарзандлари дод-фарёд кўтариб йиғлаши акс эттирилганди. Табиийки, бу ҳолатни кўриб, юрагим эзилди. Лекин муслмончиликда ўлган одам учун бақариб, оҳ-воҳ чекиш мумкин эмас. Бунинг уна фойдаси ҳам йўқ, қайтанга руҳи бевовта бўлади.

Шу ҳақда ўйлаб туриб, онамга юзландим:

— Нега одамлар кимидир ўлса, айюҳаннос солиб йиғлашади? Ахир, ўлган одам барибир тирилмайди-ку. Ундан кўра, унинг охирати обод, руҳи шод бўлишини сўраб, дуо қилган афзал эмасми?

— Бу гапиче тўғри, — деди онам босиқлик билан. — Лекин энг яқин кишиси вафот этган батыш кишилар жудолликка чидолмай, овоз чиқариб йиғлаши ҳам бор гап. Масалан, мабода, мен ўлсам, сен йиғламайсанми?..

Онажонимнинг бу кутилмаган саволига жавоб беролмадим. Томоғимда нимадир тикилгандай бўлиб, узоқ вақт жим қолдим. Онам хонадан чиқиб кетгач, кўзимда ёш билан Яратанга ёлвориб, барча яқинларимга мустақкам соғлиқ ва узоқ умр беришини сўрадим...

Тилсиз-забонсиз суҳбатдош

Шанба куни эди. Университетдан чиқиб, ўзим ижарада яшайдиган уйга жамоат транспортда қайтаётганим. Автобуснинг ўриндиқлари банд бўлгани боис, ўртароқда тик туриб бораётганим. Олдимдаги ўриндиқда эса 60-65 ёшлар чамасидаги эркак ва аёл киши ўтирарди.

Кўп ўтмай, аёл навбатдаги бекатлардан бирида тушиб қолди. Отахон менга имо қилиб, ўтиришни таклиф қилди. Шунда мен қария гапирга олмаслигини билдим ва мақсадини билмовчи бўлиб, секингина ёнига чўйдим. У хурсанд бўлиб кетди. Йўл-йўлакай автобус деразасидан янги қурилатган биналарни кўрсатиб, нималарнидир айтмоқчи бўлар, ора-орада «Ҳаммаси зўр!» дегандай бош бармоғини ҳавога нуқиб кўярди. Мен отахон айнан нима демоқчи эканлигини тушунамсам-да, азбаройи хафа бўлмаслиги учун бошимни силкитанча, фикрини маъқуллаб борардим.

Бир оздан сўнг ён-атрофимга разм солиб, ажиб ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Автобусда 30-40 чояли одам бор эди. Лекин уларнинг орасида узаро зурунглашиб кетаётганлари деярли топилмасди. Аксинча, қай бири қўлидаги телефонда титқилаб, ўйин ўйнаш ёки бошқаларга кўнғирок қилиш билан, қай бири жамоат жойи бўлишига қарамай, ухлаш ёки ойна ортидаги ҳаётни бепарволарча кузатиш билан андармон эди.

Ухлас, биров билан бировнинг иши йўқ, ҳамма ўз ташвиши билан банд эди. Шунча одам орасида биргина менинг суҳбатдошим бор эди. У ён-атрофдаги ўзгартирилган беҳад завқлар, таассуротларини мен билан баҳам кўрсиси келар, уларни имо-ишора орқали бўлса-да, тушунтиришга интиларди. Ўз навбатида, мен ҳам бу «суҳбатдошим»нинг қувончларига шерик бўлганимдан роҳатланардим.

Кейинги бекатлардан бирида отахон мен билан қўл бериб хайрлашди-да, автобусдан тушиб қолди. Унинг ўрнини тинмай сақич чайнаётган ва телефонда шанғиллаб гаплашаётган семиз аёл эгаллади. Шунда мен тилсиз-забонсиз бўлса-да, яхши суҳбатдошимдан айрилиб қолганимни сездим ва ўрнимдан туриб, автобуснинг олд томонига ўтдим...



Олим ТУРАЕВ, ЎзЖОКУ талабаси



Ижод ва ижодкор

Ижод нима ва у қандай аҳамиятга эга?

Ижод ҳар қандай ишни севиб бажариш ва ундан завқ ола билишдир. Масалан, кимдир расм чизиб завқланса, бу ҳам ижод. Ёхуд севиб бажарилса, таом тайёрлаш, пол артиш ҳам ижоддир.

Сизда савол туғилиши мумкин: ижод доимо баҳоланади, мукофотланади. Модомики, оддий ишлар ҳам ижод экан, уларнинг баҳоси, мукофоти нима бўлади? Шу пайтга қадар боғ яратиб, гуллар экан боғбонга Нобель мукофоти берилганми? Деҳқонга-чи?

Албатта, йўқ, Нобель мукофоти кўпроқ сиёсатчиларга, фан-техникада янгилик олиб кирган олимларга насиб қилади. Аммо унутманг, оддий нарсалардан маъно топишининг, яъни қилинаётган ишдан мамнун бўлишининг ўзи ҳам катта мукофотдир. Шунингдек, адолатпарвар ва инсонпарвар жамиятда ижод ардоқланади ва эъзозланади.

Буюк файласуф Ошо «Ижод» номли асарига шундай деб ёзади: «Агар фақат муваффақиятдан лаззатланиш асосий мақсаднинг бўлса, унда ҳаётнинг кўрчинлиги тушга айланади. Бироқ бу лаззатни турли майда-чуйдалару уларни бошдан қандай кечираришдан топсанг ва ҳар бир майда-чуйдани илоҳий аломату ибодатга айлантира олсанг, унда сенинг қулбанг Худонинг уйи, жисминг эса унинг даргоҳи бўлиб қолади. Нимагаки назар солсанг, нимагаки қўл теккисанг, у бениҳоя гўзаллик, илоҳийлик касб этади. Бундай пайтда лаззат баайни озоқликдир. Ҳақиқий ижодкор эса ана шу лаҳза оғушида яшайди ва ижод қила олади».

Ижодкор бўлиш учун нималар керак?

Немис файласуфи Фридрих Ницше асарларидан бирида «Дунёда орзу қилувчи одамлар йўқолганда кунни инсоният бемисл фалокатга учрайди», деб ёзган эди. Ижод ҳам аслида орзулар ҳосиласидир. Ижодкор одамнинг белгилари эса орзумандлигида, табиатга ошнолигида кўрилади. Табиат ва инсон уйғунлигида бўлади, фақат одам кўпинча бунини тушунмайди, чунки уни унутган бўлади. Қадимий бир ривоятга кўра, ёш балиқ бошқасидан сўрабди: — Мен уммон ҳақида кўп эшитганман, у қаерда ўзи?

Ваҳоланки, у уммонда туғилган, ҳеч қачон ундан айро бўлмаган, ҳозир ҳам уммонда яшаётган эди. Кекса балиқ ажабланиб, унга дебди: — Биз ҳозир уммонда туриб-миз-ку!

Аммо ёш балиқ унинг гапига ишонмабди: — Ҳойнаҳой, менга ҳазил қилияпсан. Ахир, бу сув-ку, сен эса уни уммон дейсан. Мен донороқ бошқа балиқдан сўраб кўришим керакка ўхшайди...

Уша балиқ уммон нималигини қачонки балиқчи уни тутиб, қумлоққа улоқтирганда билади. Шундагина у ҳаётида илк дафъа уммон ўзининг ҳаёт манбаи бўлганини, усиз яшай олмаслигини фаҳмлайди. Лекин одамзод бунини тушуниши анча қийин. Чунки уни балиқдай тутиб, дунёдан сўғуриб олиб ташлаб бўлмайди. Инсон эркин бўлиб туғилган эса-да, ҳаёти давомида эркинлик учун курашади. Лекин у айнан ўша дамларда ҳам эркин ва ҳур

эканини, унинг ичидаги шитобни пайқамайди, тушунмайди. Тушунмоқ эса буюк тажриба. Айниқса, ижодкор инсон табиат билан уйғун ҳолда бўлиши ва эркин ижод гултожини кенг ёйиши даркор.

Ижодкор қачон тас олинади? Бунинг жавоби жуда оддий. Айрим ижодкорларнинг асарлари вафотидан сўнггина юксак баҳоланади, ўзи шарафланади. Чунки янги, ғайри-оддий ижодий асарни ҳамма ҳам тушунмайди. У халқ орасида қабул қилиниши учун узоқ йиллар керак. Бу фурсат ичида эса ижодкор у дунёга рихлат қилган ёхуд қариб, ҳеч кимни танимайдиган ҳолга келиб қолган бўлади.

Баъзи ижодкорлар замондан илгарилар кетади. Масалан, Винсент Ван Гог ҳаётига назар солсанг, у пост-импрессионист рассом эди. Унинг ўз дунёси бор эди, дунёни ўзгача кўз билан кўради. Чизган суратларида ғайритабиий шакллар ва тасодифий ранглардан фойдаланар, кўпроқ мавҳум сифатларга ва рамзий маъноларга катта эътибор қаратарди. Уни тирикликда қадрлашмаган. Бирорта ҳам расми сотилмаган. Эндиликда эса, картиналари миллионлаб долларга сотилапти. Тағин қайсилари денг, ўзи одамларга «Майли, совгага олинг!» деса ҳам ҳеч ким назар-писанд қилмаган картиналари.

Ижодкор бўлишининг ана шундай машаққатли жиҳатлари кўп. Уларга ҳамма ҳам дош беравермайди...

Шоҳсанам РАИМЖОНОВА, ЎзЖОКУ талабаси

МУАССИС:



ISSN 2010-500P 2007-йил 11-январда O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOSILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43 Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalp'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31 Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati — (+998-99) 889-98-02 Navoiy viloyati — (+998-99) 889-90-28 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati — (+998-99) 889-90-32 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44 Farg'onaviy viloyati — (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallifning fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatdagi muharrir A. Baydarov

Musahhihlar D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 00:40 Topshirildi — 01:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-613 Nashr ko'rsatkichi: 133 1 2 3 4 5 6

Umumiy adasi 31262

14452 nusxa «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.